

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА
ЕРДАН ФойДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ
мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели**

Вақт 2 соат	Талабалар сони 80
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгалиklarини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишнинг тамойиллари
<i>Ўқув машғулот мақсади</i>	“Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгалиklarини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишнинг тамойиллари” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
<i>Педагогик вазиятлар</i> 1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгалиklarини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишнинг тамойилларини тушунтириш	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i> 1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгалиklarини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишнинг тамойилларини тушуниш
<i>Таълим усуллари</i>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<i>Таълимни шакллантириш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор сўров

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА ЕРДАН
 ФОЙДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ** мавзусидаги
 кўргазмалимаъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намоиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</p> <p>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)</p>	<p>Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

1. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ким тасдиқлайди?
2. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар «Ер кодекси»нинг қайси моддасида келтирилган?

(2-илова)

**МАВЗУ: “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ТАРТИБГА СОЛИШ ”**

Режа

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгалиklarини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишнинг тамойиллари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгаликларини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишнинг тамойиллари

Ер кодексига асосан хўжаликларни қайта ташкил қилиш, уларнинг ер майдонларидаги камчилик ва ноқулайликларни тугатиш илмий асосланган ХАЕТ лойиҳаси ёрдамида амалга оширилади.

Республикамиз вилоятларида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш даражаси бир хил эмас. Масалан, Фарғона водийси вилоятлари ва Хоразмда қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисмини ҳайдалма ерлар ташкил қилса, Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро вилояти ва яна бир неча вилоятларда қишлоқ хўжалик ерлари таркибида ҳайдалма ерлар нисбати анча паст.

Республикамизада қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш даражаси

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони	Экин ерлар		Жами қишлоқ хўжалик ерлари		Умумий майдонга нисбатан %	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан
			жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16174	423,6	423,6	5223,2	479,2	2,62	8,11
2	Андижон	430,3	203,5	203,5	256,9	234,4	47,29	79,21
3	Бухоро	4193,7	200,6	200,6	2804	227,8	4,78	7,15
4	Жиззах	2117,9	485,2	263,7	1265,7	277,8	22,91	38,33
5	Қашқадарё	2856,8	680,2	421,7	2194,4	461,1	23,81	31,00
6	Навоий	10937,5	111,1	91	8888,2	108	1,02	1,25
7	Наманган	718,1	197,7	197,7	390,3	237,8	27,53	50,65
8	Самарқанд	1677,3	435,7	253,7	1295	310,2	25,98	33,64
9	Сурхондарё	2009,9	281,4	241,5	1177,6	272,7	14,00	23,90
10	Сирдарё	427,6	250,4	250,4	290	268	58,56	86,34
11	Тошкент	1525,5	338,7	303,4	814,4	339,1	22,20	41,59
12	Фарғона	700,5	248,8	248,8	318,6	299	35,52	78,09
13	Хоразм	608,2	205,4	205,4	333	222,9	33,77	61,68
14	Тошкент ш.	33	0,2	0,2	0,2	0,2		
	Жами:	44410,3	4062,5	3305,2	25251,5	3738,2	9,15	16,09

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш ҳар хил табиий (иқлими, тупроғи, рельефи, ўсимликлари, гидрографияси ва бошқ.) ва ижтимоий-иқтисодий (хўжалик шакллари, аҳоли тизими, ҳудуднинг ўзлаштирилиш даражаси, ер турлари таркиби, инженерлик тармоқлари билан таъминланиши, иқтисодий марказлардан узоқлиги, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши ва бошқ.) шароитларда амалга оширилади, улар бу масалаларни ечишга ёндашувга катта таъсир кўрсатади.

қишлоқ хўжалик ер эгалиklarини ва ердан
фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга
солиш ҳар хил табиий шароитларда амалга
оширилади

иқлими

тупроғи

рельефи

ўсимликлари

ижтимоий-иқтисодий
шароитлари

хўжалик шакллари

аҳоли тизими

ҳудуднинг
ўзлаштирилиш
даражаси

ер турлари
таркиби

инженерлик
тармоқлари билан
таъминланиши

иқтисодий марказлардан
узоқлиги

ХАЕТда қуйидагилар катта аҳамиятга эга:

- ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилганлик даражаси қ/х ерларининг туман, хўжалик умумий майдонидаги фоизи;
- маҳсулдор ер турларининг ихчам жойлашиши, уларнинг ўрмонлар, дарёлар, жарлик-сой тизимлари, сунъий тўсиқлар билан бўлинганлиги;
- ўзлаштириш учун яроқли ер ресурслари;
- ерларнинг сифати ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш имкониятлари;
- сув, меҳнат ресурслари, инженерлик тармоқлари, ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиши.

Янги қишлоқ хўжалик корхоналари қуйидаги вазиятларда ташкил қилинади



1. *катта ер майдонларини ўзлаштиришда*

2. *йирик хўжаликлар бўлинганда*

3. *бир гуруҳ хўжаликлар қайта ташкил қилинганда*

4. *кичик хўжаликлар бирлашиб йириклашганда*

5. *қ/х корхоналари ерларида бошқа турдаги хўжаликларни ташкил қилинганда*

Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини аниқлашда қуйидаги тамайилларга амал қилинади:

- ҳар бир хўжаликнинг ер майдонини қишлоқ хўжалигини ривожлантириш манфаатларига мос равишда, атрофида жойлашган хўжаликлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, жойлаштириш;

- хўжаликнинг майдони оқилона, ихтисослик талабларига, минтақавий шароитларга жавоб берадиган бўлиши керак;

- хўжаликнинг ихтисослигига мос тушадиган ва ердан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ер турлари хўжалик ерлари таркибининг асосини ташкил этиши керак;

- ер майдони ихчамлиги ва шаклининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш талабларига мослигини таъминлаш;

- ер майдонида хўжалик марказларининг тўғри жойлашуви, уларнинг ер бўлаклари ва бир-бирлари, ташқи иқтисодий ва маъмурий марказлар билан қулай алоқасини таъминлаш;

- хўжалик ҳудудининг ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш учун қулай бўлган ташқи чегараларини таъминлаш;

- сувдан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш.

1. ХАЕТда нималар асосий аҳамиятга эга?
2. Янги қишлоқ хўжалик корхоналари қандай вазиятларда ташкил қилинади
3. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини аниқлашда қандай тамойилларга амал қилинади?
4. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини аниқлаш тамойилларини тушунтириб беринг?

YER TUZISHNI LOYIHALASH” FANI BO’YICHA TAVSIYA ETILAYOTGAN MUSTAQIL ISH

MAVZULARI 5 davra

1. Yer tuzishni loyihalashning uslubiy masalalari.
2. Yer tuzishni loyihalash fanining predmeti, usullari, tamoyillari.
3. Yer tuzishni loyihalash texnologiyasi va usullari. Yer tuzishni loyihalash tizimi, loyihalash bosqichlari.
4. Yer tuzish loyihalari klassifikatsiyasi. Loyiha hujjatlari
5. Loyihalash texnologiyasi asoslari. Loyihalashni tashkil etish.
6. Yer islohati va yer tuzishni loyihalashning yangi vazifalari.
7. Xo’jaliklararo yer tuzishning iqtisodiy mohiyati, tushunchasi, vazifalari va mazmuni.
8. Yer fondi, uning tarkibi va foydalanilishi.
9. Xo’jaliklararo yer tuzishning vazifalari va mazmuni
10. Xo’jaliklararo yer tuzish loyihasini ishlash uchun tayyorgarlik ishlarini bajarish.
11. Xo’jaliklararo yer tuzish loyihasini ishlab chiqish.
12. Xo’jaliklararo yer tuzish loyihasini muhokama qilish va tasdiqlash.
13. Xo’jaliklararo yer tuzish jarayoni va uni o’tkazishning asoslari.
14. Xo’jaliklararo yer tuzish loyihasini joyga ko’chirish va yer egaliklari chegarasini rasmiylashtirish.
15. Xo’jaliklararo yer tuzish loyihasini rasmiylashtirish yerga egalik qilish huquqini beruvchi davlat aktini tayyorlash va topshirish.
16. Qishloq xo’jaligi yer egaliklari va yerdan foydalanishlarini tashkil etish va tartibga solish.
17. Qishloq xo’jaligi korxonalarining yer egaliklarini (yerdan foydalanishlarini) tashkil etishning tamoyillari
18. Yer egaliklarini va yerdan foydalanishlarni tashkil etish.
19. Fermer xo’jaliklarida xo’jaliklararo yer tuzishning xususiyatlari.
20. Mavjud yer egaliklarini va yerdan foydalanishlarni tartibga solish.

Адабиётлар

- 1. Аvezбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
- 2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - Т.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 b.
- 3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - Т.:TDAU, 2005. – 305 b.
- 4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

● Қўшимча

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: Адолат, 1999.
- 2. [www. Ziyo. net](http://www.Ziyo.net)
- 2. [http:www. guz. Ru](http://www.guz.Ru)